

<https://buxdu.uz>



 @buxdu\_uz

 @buxdu1



@buxdu1  www.buxdu.uz



Научный вестник Бухарского государственного университета  
Scientific reports of Bukhara State University

8/2023

# BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI ILMIY AXBOROTI



8/2023

Ilmiy-nazariy jurnal  
2023, № 8, sentabr

Jumal 2003-yidan boshlab filologiya fanlari bo'yicha, 2015-yidan boshlab fizika-matematika fanlari bo'yicha, 2018-yidan boshlab siyosiy fanlar bo'yicha O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasи huzuridagi Oly attestatsiya komissiyasining dissertatsiya ishlari natijalarini yuzasidan ilmiy maqolalar chop etilishi lozim bo'lgan zarurui nashrlar ro'yhatiga kiritilgan.

Jurnal 2000-yilda tashkil etilgan.

Jurnal 1 yilda 12 marta chiqadi.

Jurnal O'zbekiston matbuot va axborot agentligi Buxoro viloyat maibuot va axborot boshqamasi tomonidan 2020-yil 24-avgust № 1103-sonli guvohnoma bilan ro'yhatga olingan.

**Muassis: Buxoro davlat universiteti**

**Tahririyat manzili:** 200117, O'zbekiston Respublikasi, Buxoro shahri Muhammad Iqbol ko'chasi, 11-uy.

Elektron manzil: nashriyot\_buxdu@buxdu.uz

**TAHIRIR HAY'ATI:**

**Bosh muharrir:** Xamidov Obidjon Xafizovich, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Bosh muharrir o'rinnbosari:** Rasulov To'ljin Husenovich, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor

**Mas'ul kotib:** Shirinova Mexrigyo Shokirovna, filologiya fanlari bo'yicha falsafa doktori (PhD)

**Kuzmichev Nikolay Dmitriyevich**, fizika-matematika fanlari doktori (DSc), professor (N.P. Ogaryov nomidagi Mordova milliy tadqiqot dawlat universiteti, Rossiya)

**Danova M.**, filologiya fanlari doktori, professor (Bolgariya)

**Margianti S.E.**, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Indoneziya)

**Minin V.V.**, kimyo fanlari doktori (Rossiya)

**Tashqarayev R.A.**, texnika fanlari doktori (Qozog'iston)

**Mo'minov M.E.**, fizika-matematika fanlari nomzodi (Malayziya)

**Mengliyev Baxtiyor Rajabovich**, filologiya fanlari doktori, professor

**Adizov Baxtiyor Rahmonovich**, pedagogika fanlari doktori, professor

**Abuzalova Mexriniso Kadirovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Amonov Muxtor Raxmatovich**, texnika fanlari doktori, professor

**Barotov Sharif Ramazonovich**, psixologiya fanlari doktori, professor, xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi (akademigi)

**Baqoyeva Muhabbat Qayumovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Bo'riev Sulaymon Bo'riyevich**, biologiya fanlari doktori, professor

**Jumayev Rustam G'aniyevich**, siyosiy fanlar nomzodi, dotsent

**Djurayev Davron Raxmonovich**, fizika-matematika fanlari doktori, professor

**Durdilov Dardimurod Qalandarovich**, fizika-matematika fanlari doktori, professor

**Olimov Shiraboy Sharofovich**, pedagogika fanlari doktori, professor

**Qahhorov Siddiq Qahhorovich**, pedagogika fanlari doktori, professor

**Umarov Baqo Bafoyevich**, kimyo fanlari doktori, professor

**Murodov G'ayrat Nekovich**, filologiya fanlari doktori, professor

**O'rayeva Darmonoy Saidjonovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Navro'z-zoda Baxtiyor Nigmatovich**, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Hayitov Shodmon Ahmadovich**, tarix fanlari doktori, professor

**To'rayev Halim Hojiyevich**, tarix fanlari doktori, professor

**Rasulov Baxtiyor Mamajonovich**, tarix fanlari doktori, professor

**Eshtayev Alisher Abdug'aniyevich**, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

**Ovvatova Dilrabe Habibovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Axmedova Shoira Nematovna**, filologiya fanlari doktori, professor

**Amonova Zilola Qedirovna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Hamroyeva Shahlo Mirjonovna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Nigmatova Lola Xamidovna**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Boboyev Feruz Sayfullayevich**, tarix fanlari doktori

**Jo'rayev Narzulla Qosimovich**, siyosiy fanlar doktori, professor

**Rasulov Zubaydullo Izomovich**, filologiya fanlari doktori (DSc), dotsent

**Qurbanova Gulnoz Negmatovna**, pedagogika fanlari doktori (DSc), professor

**Zaripov Gulmurot Toxirovich**, texnika fanlari nomzodi, dotsent

**ANIQ VA TABIIY FANLAR \*\*\* EXACT AND NATURAL SCIENCES \*\*\*  
ТОЧНЫЕ И ЕСТЕСТВЕННЫЕ НАУКИ**

<b>Sabirova R.A.</b>	Xos to'lqinning qovushoq-elastik silindrik qobiqda tarqalish xususiyatlari	4
<b>Khalkhadzhaev B.B., Yusupov Sh.B., Mambetsaraev K.A.</b>	On a weak generalized solution of a mixed-type fourth order equation of the second kind	9
<b>Сафаров Ж.Ш.</b>	Прямая и обратная задача для уравнения вязкоупругости с дополнительной информацией нестандартного вида	15
<b>Жураев Ф.М.</b>	О красвой задаче с условиям Геллерстедта на параллельных характеристиках для вырождающегося нагруженного уравнения параболо-гиперболического типа	23
<b>Jo'orakulov S.Z.</b>	Properties of polymers	32
<b>Хайруллаев Ч.К.</b>	Жамият ҳаётида соғлом турмуш тарзининг аҳамияти ва уни ташкил килишининг асосий омиллари	38

**TILSHUNOSLIK \*\*\* LINGUISTICS \*\*\* ЯЗЫКОЗНАНИЕ**

<b>Yuldasheva D.N.</b>	Sukut – ichki va tashqi nutqning harakat birligi	45
<b>Bobokalonov O.O.</b>	Character of shifonemas in linguistics	52
<b>Bozorova G.Z.</b>	Tibbiy atamalarda pleonastik birliklarning vogelanishi	59
<b>Hamroyeva M.R.</b>	Tohir Malik badiiy asarlarida qo'llanilgan antroponiqlarning yasalish strukturasi	63
<b>Kurbanova I.Sh.</b>	Exploring the derivation of railway terminology: a linguistic analysis	68
<b>Rabieva M.G'.</b>	Translation as a type of intercultural communication	73
<b>Radjabov N. N.</b>	Ingliz va o'zbek tillarida undoshlarning fonologik xususiyatlarida izomorfizm va allomorfizm	77
<b>Rakhmatova M.M.</b>	The role of figurative devices in expressing implicative meaning	88
<b>Seytnazarova I.E.</b>	Tilewbergan Jumamuratov asarlarida frazeologizmlarning uslubiy qo'llanilishi	92
<b>Велиева С.Р.</b>	Русские идеологические топонимы в иноязычной среде (на материале регионов Республики Узбекистан)	97
<b>Гаппарова М.Т.</b>	Инглиз ва ўзбек тилларида лугат белгилари	104
<b>Каримова Г.Х.</b>	Эргонимы как объект лингвокультурологического исследования	109
<b>Нарзуллаева Д.Б.</b>	Теодингистика ва теодингистик бирликлар тадқики	114
<b>Ширинова М.Ш.</b>	Мустақиллик даври ўзбек кинофильмлари тилида эгалик ва келишик воситаларининг кўлланиши	121
<b>Ёкубова Ш.Ю., Юсупова А. Ш.</b>	Глагол и простая структура предложения в узбекском языке	125

**Нарзуллаева Дилфуз Бафоевна,**  
**Бухоро Давлат Университети,**  
**Хорижий тиллар факультети,**  
**француз филологияси кафедраси ўқитувчиси**  
**d.b.narzullaeva@buxdu.uz**

**Аннотация.** Жаҳон тилингислигида жамият учун ҳаводек зарур бўлган тил, яъни кишилик жамиятидаги соғ ижтимоий, мураккаб лингвистик ҳодиса турли даврларда олимлар томонидан турлича таъкин этилган ва тилингислик тараққиёти тарихида теолингвистик, социолингвистик, лингвоструктуралогик, лингвопсихологик, лингвонеиропсихологик каби ўнглаб оқимларнинг кириб келишига сабаб бўлмоқда. Бундай тадқиқот йўналишлари, албатта, аманий жаҳатдан фаннинг у ёки бу жаҳатларини ўрганишида муддим вазифа бажаради ва ушбу тадқиқот йўналишларининг барчасида тил тизими таҳдидига боғлиқ синхрон ва диахроник ёндашувлар муштараклиги сезилиб туради. Шу жумайдан, теолингвистика фанида ҳам қўйсий тилингисликнинг таалоблари ва тизими қонуниятларини жорий этиши, укинг тадрижий тараққиёт ўйларини ўрганиши ва таҳдидга тортниш мумкин.

Ушбу мақолада гапнинг функционал услуби, теолингвистик лексема созасидаги хусусиятлар, унинг асосий сабаблари, омиллари ва шартлари муддакама қилинади. Шунингдек, ушбу мақолада диний услубнинг теолингвистик лексемаси ва унинг хусусиятлари, семантико-функционал гапнинг жамият ҳаётидаги ўрни алоҳидаги қайд етилан .

**Калим сўзлар:** оив, тил, диний услуб, теолингвистик лексема, функционал услуб, диний тил, лингвистик ҳодиса, синхрон ёндашув, диахроник ёндашув, қўйсий тилингислик, семантика.

## ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕОЛОГИИ И ТЕОЛИНГВИСТИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ

**Аннотация.** В данной статье рассматривается характеристика в области теолингвистической лексемы как функционального стиля предложения, и её основные причины, факторы и условия. Также в этой статье специально отмечается теолингвистической лексемы религиозного стиля и его свойства, роль семантико-функционального предложения в жизни общества. В результате исследования были получены следующие результаты: а) научно обоснована распределяющая потребность в религиозном языке, в частности, в создании и значении религиозных теолингвистической лексемы; б) способность религиозных теолингвистической лексемы в выраженные мышлении, культуры, мировоззрения людей и т.д.; в) специфика теолингвистической лексемы религиозного языка, и религиозного текста; г) признание и развитие теолингвистической лексемы религиозного стиля как функционального метода.

**Ключевые слова:** религия, язык, религиозный стиль, теолингвистическая лексема, функциональный стиль, религиозный язык, языковой феномен, синхронический подход, диахронический подход, сравнительное языкознание, семантика.

## RESEARCH OF THEOLOGY AND THEOLINGUISTIC UNITS

**Abstract.** This article discusses the characteristics in the field of the theolinguistic lexeme as a functional style of the sentence, and its main causes, factors and conditions. Also, this article specifically notes the theolinguistic lexeme of religious style and its properties, the role of the semantic-functional sentence in the life of society. As a result of the study, the following results were obtained: a) the growing need for a religious language, in particular, in the creation and meaning of religious theolinguistic lexemes, is scientifically substantiated ; b) the ability of religious theolinguistic lexemes to express thinking, culture , worldview of people, etc.; c) the specificity of the theolinguistic lexeme of the religious language and the religious text; d) recognition and development of the theolinguistic lexeme of religious style as a functional method.

**Кириш.** Теолингвистика XX аср иккинчи ярмида ёркин кўзга ташланган ва XXI асрларда жуда кенг ёйиб ривожланиб бораётган жаҳон тилшунослигининг янги соҳаси ҳисобланади. Ўзбекистонда мустакилликка эришилганидан сўнг бу соҳада қизиқишлар сезиларли даражада ўсиб бормоқда. Файлусуфлар ва диншунослик намояндлари илоҳиётнинг долзарб масалалари жавобини муқаддас китоблардан, жумладан Қуръони Карим ва Ҳадиси Шарифдан топиш умидидаги мукаддас ва диний матнларга мурожаат қилаётганликларига гувоҳ бўлиш мумкин. Дарҳакикат, диний матнлар инсониятнинг келажаги, одамларнинг турмуш тарзи ва ҳаёти, анъаналари, маданияти ҳақидаги билимларнинг бебаҳо манбаи ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, диний ва мукаддас китоблар, барча даврларда инсоният билимишининг турли соҳаларида, жумладан, диншунослар, файлусуфлар, тарихшунослар, тилшунослар, руҳшунослар, маданиятишшунослар ва бошқаларнинг илмий тадқиқотлари обьекти сифатида намоён бўлиб келмоқда.

Таникли олимлар В.Г.Адмони, Н.Б.Мечковская, И.А.Крывелев, Т.Брукхардт ва бошқалар "муқаддас матн" тушунчаси ҳақида фикр билдириб, Инжил, Библия ва Қуръони Каримни матннинг алоҳида бир тури эканини таъкидлайдилар ва тилшуносликда алоҳида матн тури сифатида ажратиб кўрсатишади. Диний ва мукаддас матнлар ҳам диний қонунлар, анъаналар билан боғлиқ диний ёзув, шу билан бирга халқнинг тирик маънавий маданиятини ўзида акс эттирувчи матннинг алоҳида тури сифатида қайд этилади. Муқаддас матнлар расмий талаб ва қоидаларга риоя қилмасдан яратилиши мумкин эмас. Бу турдаги матнлар нафакат диний-маърифий мавзу бўлганилиги учун, балки матн диний услуг қоидаларидан оғишмай ёзилганилиги учун ҳам мукаддас ҳисобланади. Муқаддас матн шаклан "муайян бир диннинг руҳий кўринишларини акс эттиради, анъаналарни мукаддас намуналар билан ажоддлардан авлодларга етказади" [1;28]

Жумладан, инсоният маданиятига маърифий-ирфоний база бўлиб ҳизмат қилаётган Қуръони Карим ҳам мусулмон олами ва унинг дунёкараши, дунёни аклан идрок этиш, қадриятлар тизимини ва оламининг тасвирини сезиларли даражада аниклаша учун ҳизмат қилиб келмоқда.

"Теолингвистика (юнонча theos — худо ва латинча lingua — тил) — биринчидан, тил ва диннинг ўзаро таъсири натижасида вужудга келган фан бўлиб, тил фани сифатида тилшунослик ривожланишининг биринчи боскичи ҳисобланади. Бу фан дин мағфаатларига ҳизмат қилиш учун яратилган; иккичидан, бу атаманинг тор ва кенг маъносида диний тилни ўрганиши ҳамда тilda мустаҳкамланиб, ўз аксини топган дин кўринишларини ўрганиши билан шуғулланувчи тилшуносликнинг бир тармолидир; уччинчидан, илоҳиётшунослик дунёвий фаннинг бир тармоли, миллатлараро фан, диний (конфессиядан юкори) фан, тилшунослик фанидир" деб баҳо беришган.

**Адабиётлар таҳлили ва методлар.** "Теолингвистика" атамаси биринчи марта Жан-Пьер ван Ноппен томонидан кўлланилган. 1981 йилда унинг муҳаррирлиги остида жамоавий монография нашр этилди. Илк бор белгиялик олим Жан-Пьер ван Ноппен: "Теолингвистика - Инжил олимлари (уеховистлар), илоҳиётчилар ва бошқа диний назариётчилар ва амалдаги диндорларнинг тилини ўрганадиган фан", [1] деб эътироф этиб, «бу фан "тил: диний назария ва амалиёт" муносабатларини ўрганишга ҳизмат қиласи ва бу муносабатлар черков маросимлари матнларида, Муқаддас Ёзувлар тилида, вазълар матнларида, ибодатларда, ҳабарларда акс эттирилган черков иерархлари ҳамда руҳонийларнинг шахсий баёнотларида учрайди." «Теолингвистика» термини даставвал Д. Кристел туфайли Кембридж тилшунослик энциклопедияси [Crystal 1993] га киритилди ва уни А. Вагнер [Wagner, 1999] "Теолингвистика?" маъruzасида «социолингвистика» терминининг ўрнида кўллаган эди.

Теолингвистика - бу инсон сўзининг Худога нисбатан қандай ишлатилишини, шунингдек, тилнинг диний вазиятларда, тўғридан-тўғри бир томонлама алоқанинг қатъий стандартларига жавоб бермайдиган вазиятларда қандай ишлашини тасвирилашга харакат қиласидиган фандир. Бошқа томондан, уни метафора ёки нутқ харакати каби таникли шаклларда тасвирилаш мантиғига тўғри келади.[2;36]

Сўнгти ўттиз йилларда дунёнинг турли мамлакатларида олимлар диний тилнинг турли жиҳатларини фаол ўрганиши. «Теолингвистика ўрганиши предмети сифатида» Голландия, Германия, Буюк Британия, Полша, Сербия, Украина, Белоруссия, Россия, Словакия, Белгия ва бошқалар худудида ривожлантирилди. 1915 йилда Санкт-Петербург Император диний академиясининг профессори Н. Н. Глубоковский ўзининг "Греческий язык Нового Завета в свете современного

"языкознания" китобида библия тилини ўрганишда илохиётшуносар ва филологлар ўртасидаги ҳамкорлик зарурлигини таъкидлаган эди. Рус тилида "тил ва дин" мавзуси биринчи марта Белоруссия давлат университети профессори Н. Б. Мечковская томонидан худди шу номдаги машхур дарслидка батафсил тасвирланган. [3;98-101] 2004 йилда Е. Ю. Кислякова "Инглиз библия матнларининг эмоционал маъноларининг ўзгариши" номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди, унда илмий янгилик куйидагича белгиланди: биринчи марта библиядаги ибораларнинг эмотивтивлигининг лингвистик муаммосини теологик характердаги саволлар билан (диний мазмундаги аксиологик ўзгаришлар) синтез қилишга ҳаракат қилинди. Маколада библиализм телингвистик ҳодиса сифатида тавсифланади ва ташки тилшуносликнинг янги тармоги - телингвистикани яратиш зарурати асосланади. Бу Россияда "теолингвистика" атамаси ҳакида биринчи эслатмалардан биридир.

Рус олимаси Ирина Владимировна Бугаева 2008 йилда «Theolingüistik» халқаро ишчи гурухини теолингвистика термини остига бирлаштириш учун 5 томлик тўпламнинг 1-томи сериясида унинг «нейролингвистика» термини билан алқодорлиги борлигини, унинг фан сифатида ривожланиб бораётганини ва аниқ вазифаларни башорат қилишини қайд этган эди.

**Натижалар.** А.К. Гадомский унинг ўрганиш курси проектини куйидаги базавий ўкув дастурида ишлаб чиқди: (Гадомский, 2012)

Диний тилнинг нофилологик йўналишини ўрганиш	Диний тилнинг филологик йўналишини ўрганиш	
Фалсафий	Теолингвистик ёндашув	Адабиёт нуктаи назаридан ёндашув
Теологик (илохий)	1. Диний тилни тизимларнинг тизими сифатида (код сифатида ёндашув)	
Диний тарғибот сифатида ёндашув	2. Услубий (стилистик) ёндашув	
Тарихий ёндашув	3. Жанрий (генетик) ёндашув	
Семиотик	4. "Оlam манзарасининг тил" фрагменти сифатида диний тилни ўрганиш	
	5. Дискурсология	
	6. Коммуникалогия	
	7. Лингводидактика	

Замонавий тилшунослик фанида кузатилаётган интеграция тенденцияси ва рационал лингвистик фикр, энг аввало, тил ва маданият ифодасининг антропологик дастури В. фон Гумбольдтга тегишилди. Ушбу дастурни амалга ошириш фақат инсондагина тилнинг мавжудлигини ва унинг фундаментал жиҳатлари – тилнинг лингвистик рефракциясида намоён бўлади. Тил ва маданияти инсон онти, маданияти ва маънавий ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганиш учун мураккаб (синтетик) фанлар яратилади. Ушбу тенденцияга мувофиқ замонавий тил фанида социолингвистика, этнолингвистика, психолингвистика, когнитив лингвистика, лингвокультурология, коммуникалогия, дискурсология, шунингдек, лингвистик шахс тўғрисидаги таълимот сифатида танилган лингвоперсонология каби жуда фаол ривожланаётган соҳалар тўғарак фанлари орасида буғунги кунда ўз ўрнини топиб бормоқда. Теолингвистика ҳам илохиёт (теология), диний антропология ва тилшунослик туташган жойда шакллананаётган янги синтетик фан ҳисобланади. Илохиёт ва лингвистик интизом - "теолингвистика" – "тил, дин ва вужуд" триадасининг ўзаро муносабати, ўзаро таъсирини ўрганишга эътибор каратади. [4;26-28]

Теолингвистика янги фан бўлса-да, унинг илдизлари жуда қадимийdir. Бу ҳақда дунёда илм фаннинг назарий жиҳатдан энг юкори чуккисида чиккан Платон, Прокл, Порфирийлар даврида, диний файласуфлар Николай Кузалик, Локк, Шеллинг, Хегел, В. Гумбольдт назариялари бу парадигманинг ривожи учун ўз хиссасини кўшади. "Сўз фалсафаси тарафдорлари" категорида М.Хайдегтер, Н.Хартман, Э.Кассирер, О.Розенсток-Гюсси, Берtrand Расселл ва бошқалар, рус олимларидан Аксаков ва А. Потебня, П.А. Флоренский, С.Н. Булгаков, А.Ф. Лосев туркум ишларида ўз муносабатларини билдиришган. Негаки, уларнинг асарлари тил ҳакидаги онтологик таълимотга асосланган эди. Тил ва нутқ соҳасидаги кенг контекстларда, жумладан, айнан теоантропокосмик

парадигмада "худо-космос-одам" триадасида теолингвистик мұаммоларға тұхтагиб үтилгаш за замонавий тильтуносликниң түрли хил ҳал этилмаган мұаммоларни метафизик тушунни даражасыға әршишиші имкон яратылған. Шак-шубхасиз, ушбу парадигма дөириасындағы талқықот за изланишлар тилен борлық ҳақидағы тушунчаларниң мөхияттін тушунни учун "восита" хисобланады.

Чунончи, *Ибтидо ёки онтология* (онтос - борлық) - бутун дүнә ҳақидағы таълимнот (шу жүмладан дүннинг Худодагы иштироки) фактат мавжудлар әкі мавжуд бұлған барча нараса сиғатидә эмас, балки қоинотнинг яхлітлігі жуда күлай бұлған онтологик даражадағы ходисаларнинг умумийлігі ортида очишли тушунлады. Ю.М. Малиновичининг тушунтиришича, "Таърифлаб бұлмайдыган нарсаннинг тавсифи: күрінімас, аммо тушунарлы ва шуннинг учун аталған дүнә" - бу илоҳиёттағы фалсафада яхши маълум бұлған таъриф илоҳиёттуносликниң асосий вазифалардан бириңи мұкаммал акс этирады."

ХХ-ХХI асрларда теолингвистик лексемаларға тасвир бериш өзекілкін чукур билишнинг асосий ендашувлары сиғатидә измір, філософи, бадий ва диний ендашувларның синтез қилинген болып көрінеді. Айның дамда теолингвистик лексемаларнан үз ўрнида изохлаша "Худо, инсон ва борлық" ҳақида яхліт тасаввурға эта бўлишини үз ичига олмокда. Замонавий маданиятда, унинг секуляризация жараёнлари кучайиши – руҳнинг диний муносабатдан ташкарида ўрганиши, инсоннинг маънавий дүнбеси билди афористик ифодаларнинг үйгүн бөглигіндегі таҳдил қилишини тақсазо этади.

Бунинг учун иккى устуғор тушунчаны фарқлаш зарур:

1. Дүнёвийлік, умуман олғанда, камрок радикал ва кенгрек маънода дүнёвийлік тушунчаси кабул қилинган бўлиб, теолингвистик сүз қўлланилишига кўра: "Инсон, инсоният ва инсон фаолияти хамда унинг ўзига хос соҳаларида, биринчи навбатда, маданият соҳасыда автоном ва мустакил сиғатидан намоён бўладиган тафаккур туридир. Бу ўз-ўзини таъминлаш ва инсон хаёти - "Худо билан мулоқотта мухтож эмас." [5;105-101]

2. Илоҳиётлик, "диний эътиқодда" "Худонинг бир хил маргиналлашуви" мавжуд бұлған тафаккур билан бөглиқ. Буудай тафаккур билан, гарчи Худонинг борлиги тан олинса әки тан олиниши мумкин бўлса-да, унинг дүнә ва инсон хаётидағы иштироки аҳамиятсиз деб эътиборга олинмайди.

Шулардан келиб чиқиб, ҳозирги замон фан тилемде "комплекс синтез" (латинча комплексус "богланыш", "бирлашма") асосида теолингвистик лексемаларға статик әки динамик ургу бериш эътиборга олинади.

"Теолингвистиканинг синтетик фан сиғатидә пайдо бўлишининг умумий маданий ва тарихий контекстини тушунниш учун тилен назарий мұаммоларни ўрганишда Гумбольдтнинг антропологик дастурига қайтиш, тил ўрганиш тенденциясига қўшимча равишда яна бир мұхим тенденция – замонавий дүнёда тобора кўпроқ намоён бўлайттани "теологик билимларни дүнёкараш ва маданиятта интеграция қилиши" тенденцияси мұхим аҳамияттага эга [Назаров, 2004, с. 5]. Файласуфлар ушбу интеграция тенденциясининг долзарбилигини, маданият ва дин ўртасидаги ҳақиқий муносабатларнинг мөхият масаласини "янги асрда улкан, тарихан мисли кўрілмаган таърибанни якунлаш - динисиз маданиятни курыш" учун теологик фиқрлар (абадийлікка қайтиш)ни рад этишади. [6;102-103]

Анъанага кўра "тил ва дин" мұаммоси фалсафа, илоҳиёт (теология), диншунослик, тильтунослик (лингвокультурология, этнолингвистика, антрополингвистика) ва бошка фанларда кўриб чиқылади. Дин ва тиленинг ўзаро таъсири түрли жиҳатларнинг ўрганиш, бир томондан, тиленинг диний вазиятларда қандай ишләши, иккичи томондан, диннинг түрли кўринишларининг тида акс этишини таҳдил қилиш теолингвистика фаннининг предмети хисобланади. Теолингвистиканинг тадқықот объекти "диний тил" бўлиши мумкин; тильтунослик фаннининг ривожланиш босқичлары, тильтунослик тарихи, конфессионал сабабларга кўра; тилендеги келиб чиқишини ҳақидағы назариялар (ва биринчи навбатда тилендеги келиб чиқишининг илоҳий мөхият назарияси) ва бошка масалалар – бир сүз билан айттанды, тилендеги мустаҳкамланған ва акс этган Худо билан бөглиқ барча ходисалар ҳам шу фан билан асосланади.

Теология (илоҳиёттунослик) тильтуносликниң дүнёвий, миллатлараро ва диндан ташкәри бўлған бўлимидир. Диний дүнёкарашнинг тида акс этиши илоҳиёттуносликниң ўрганиш предмети хисобланади. Буни бир неча усул билан ўрганиш мумкин. Биринчидан, булар тил табиятивининг онтологик талқини масалалары билан бөглиқ. Дүнёнинг диний тушунчаси тадқықотининг ўзига хос соҳасидир. Диний контекстдеги кўплаб тушунчалар, ходисалар ва нарсалар алохуда маънога эта.

Ийкинчидан, диний алокани таҳлил килиш (мұмынларнинг Ҳудо билан алокаси; диндорларнинг үзаро алокаси; диндорлар ва атеистлар ўргасидаги алоқа; атеистларнинг диний мухитдаги ҳатти-харакати ва бошқалар) билан боғлик. Нутк-хулк-автор тактикасини солишириганды, нутк одеб-алж формулалари, диндорлар ва атеистларнинг ёки диндорларнинг (яни, диний оңг ташувчилари), турли динларга эътиқод қилювчиларнинг коммуникатив ҳатти-харакатларидағи фарқлар аниқ кўринади. Лингвоперсонология нуткай назаридан диний лингвистик шахсни дунёвий ва диний мулоқот шароитида ўрганиш мухим ахамиятта эга. Учинчидан, асосий эътибор диний матнларни ўрганиш, уларнинг типологияси ва таснифи, каноник ва каноник бўлмаган матнларни фарқлаш, теологик лексемаларнинг семантик майдонига эътибор каратишдан иборатиди.

Теолингвистиканинг шаклланиши жараёнларини тушуниш учун мухим бўлган ушбу масаланинг мухим жиҳатидан бири, ҳакикатни тушунишнинг бошқа турларидан фарқи ўлароқ, илмий билимларда оддий, диний мифологик, бадиний ва фалсафий ҳакикатни тушуниш кандай шаклда ва қандай аниқ амалга оширилишини тушунишдири. [7;112] Буни ҳеч бўлмаганда энг дастлабки ва умумий шаклда тушуниш керак, чунки биринчидан, илоҳиётшуносликни яратиш жараёнда "теолингвистлар" ижодий онгида менталитетнинг икки хил шакли – илмий ва диний-теологик, етакчи характерга эга. Зоро, илоҳиётшунослик, шундан далолат берадики, вокелик дунёснинг идрок этишининг диний ва теология жиҳатлари қўшилиши билан мураккаб бўлса ҳам, илмий фаннинг ўзига хос бир туридири.

Гуносеология нуткай назаридан диний-мифологик ва фалсафий жиҳатдан фарқли ўлароқ дунёни илмий идрок этишининг асосий хусусияти илмий тушуниш бутун вокеликни яхлит ҳолда англаш билан боғлик эмас, балки жисмоний, лингвистик ва бошқа ҳар кандай турдаги "ҳакикат" факат унинг айрим бўлаклари билан боғлик [8;94].

Телингвистика тамойилларини тушунишнинг энг мухим жиҳати, илмий билишнинг объектив шаклида тегишли билим соҳасида ўрганиладиган обьектларни идрок этишининг маҳсус назарий призмалари орқали амалга оширилади. Бу назарий объект теолингвистик лексемаларнинг семантик-функционал хусусиятини ўрганиш билан боғлик бўлиши мумкин.

Фан методологияси нуткай назаридан, янги илмий фанни яратиш унинг предмет соҳасини ёки ушбу фан бўйича идрок этилиши керак бўлган обьектлар оламини белгилаш ва кейинчалик унинг ўрганиш предметини белгилашдан бошланади. бу обьектлар оламини маълум нуткай назардан, маҳсус масалаларни ҳал қилиш билан боғлик ҳолда, маҳсус назарий (категорик) воситалар ёрдамида кўриб чиқиши жараёнда курилади. Фаннинг предметини аниқлаш, айниқса, стихияли-эмпирик тарзда ривоҷланётган фан яратилишининг энг биринчи босқичидаёт оддий иш эмас. Бу алоҳида назарий ва услубий мулоҳазаларни талаб қиласди.

**Муҳокама.** Т.И. Оизерман: "... фан предметизинг таърифи очик-ойдин нарсани оддий баён килиш эмас; у ўрганишнинг мумкин бўлган обьектлари доирасини кўрсатиши керак, уларнинг умумийлиги маълум фаннинг предметини бошқа барча фанлар субъектларидан сифат жиҳатидан ажратиб туради. Фан предметининг бундай таърифи факат назарий бўлиши мумкин; у томонидан ўрганилаётган барча обьектларнинг бирлигини очиб беришга мўлжалланган. Шунинг учун ҳар қандай фаннинг предметини таърифлаш факат маҳсус тадқиқот натижаси бўлиши мумкин, унга бўлган эҳтиёж ҳар доим ҳам ҳамма учун аниқ эмас". [9;26]

Фандаги тадқиқот предметининг вазифаси синтетик режанинг фанларини лойиҳалашда алоҳида мураккаблик касб этади, бунда турли фанлар ёки ҳатто билим соҳаларининг контцептуал тасаввурлари ягона ақслий маконда бирлаштирилади. Муаммо шундаки, Илоҳиётшунослик мисолида - тишишуносликдан назарий фикрлар ва илоҳиёт (теология), контцептуал тасаввурларнинг комбинацияси улар ягона телингвистик маконда ягона ўрганиш мавзусига тегишли бир хил шаклланишлар сифатида намоён бўлиши керак.

Теолингвистиканинг синтетик фан сифатида ўрганиш ва тушуниш ушбу фаннинг мавжуд таърифлари, хусусан, у ҳал қилиш учун мўлжалланган вазифаларни кўрсатиш асосида белгиланиши мумкин. Телингвистика бўйича замонавий ишларда ушбу фаннинг асосий вазифаси, биринчичи наబатда, тилнинг турли "диний контекстларда" ёки "диний вазиятларда" қандай ишларини тушунишда кўринади.

Олимлар ва файласуфлар инсон билимин ток чўқисига яқинлашиши билан солишириадилар (Ж.-П. Ноппен, Д. Кристал, А. Вагнер). Берtrand Расселл ушбу тасвири шундай баён этади: "Бизнинг билимимизнинг ривоҷланиши, агар у муваффакиятли бўлса, саёҳатчининг туман орқали токка яқинлашишига ўхшайди: дастлаб у факат катта хусусиятларни ажратиб туради, ҳатто улар аниқ

<https://buxdu.uz> контурларга эга бўлмаса ҳам, лекин аста-секун у кўпроқ ва кўпроқ тафсилотларни кўради ва көнтирулар ахессаб ёблади". [10;202]

**Хуласа.** Умумистеъмоддаги теолингвистик лексемаларнинг тарқалиш худуди, одамлар фаoliyati томонидан қўлданилиши, лексик-семантик маъноларнинг функционал доираси, коммуникатив нутуз жараённада чегараланмаганинги, лексика ва синтаксис оралигига тил лугати ва синтактик бирлиқ сифатига намоён бўлиши, бундай лексемаларнинг ижтимоий белгилари ва умумий хусусиятлари ўрганиши [11;460] олимларни кизиктириб келмоқда.

Шуларга хамоҳанг Куръони Карим сураларидан мисоллар кептирамиз: Куръони Карим суралари оятлардан иборатидир. Уларнинг ўзига яраша тартиби бор. Оят ва сураларнинг тартиби ҳакида батағиғел сўз ўюритишдан аввал бу иккни иборанинг лугатидаги маъноси ва таърифи билан яхшилаб танишиб олайди. «Оят» сўзининг бир неча лугавий маъноси: «Мўъжиза» демакдир.

Аллоҳ таоло Бакара сурасида марҳамат килади: «Бану Исройидан уларга қанчадан-қанча очик-ойдин оят (мўъжизаларни берганимизни сўра)» (211-оят). Аллоҳ таоло Ҳизбр сурасида марҳамат килади: «Албатта, бунда мўминлар учун оят (ибрат) бордир» (77-оят). Аллоҳ таоло Мұъминуну сурасида марҳамат килади: «Ибн Марямни ва унинг онасини оят (ажойиб иш) килдик» (50-оят). Аллоҳ таоло Рум сурасида марҳамат килади: «Ва осмоншару ернинг яратилиши дамда тилларингиз ва рангларингизнинг турличи бўлиши Унинг оят (бурхон)ларидандир» (22-оят). [12;53-57]

Уламолар истилоҳида оят шундай таърифланади: «Оят Куръон сурасига кирган, бошланиши ва тугаси белгили бўлган сўзлар мажмусидир». Шу билан бирга, Куръони Каримнинг ҳар бир ояти юкоридаги лугавий маъноларни ўз ичиға олган бўлади. Ха, Куръони Каримнинг ҳар бир ояти мўъқиза, ибрат, ажойиб иш, белги-аломат, бурхон, далил, ҳарф ва сўзлар мажмуси ҳамда Аллоҳ таолонинг курдати далилидир. Куръони Каримнинг ҳар бир ояти, унинг аввали ва окири ҳакидағи илмини Аллоҳ таолодан Жаброил атайдисалом ўрганган. У кишидан Набий алайхиссалом, у зотдан эса мусулмонлар ўрганганлар. Оятларни бир-биридан ажрати билиш, уларнинг бошланиш ва тугаш жойларини англаб этиши маъноларни яхши тушуниб этишда ва бошқа бир ҳанча ишларда ёрдам беради. Куръони Каримда «оят» сўзи кўп марта тақорлантган. «Оят» сўзи баъзи бир жойларда юкорида зикр килинган маъноларнинг ҳаммасини, искринчи бир жойда иккни-учтасини, учинчи жойда эса факат биттасини ифода этиб келгай. Ушбу иозик фарқ англаб этилгандагина маъно тўғри тушунилади.

«Сура» сўзининг маънолари: «Сура» сўзи лугатда «кўргон», «манзиз» ва «шараф» деган маъноларни англатади. Уламоларимиз истилоҳида эса «Сура Куръон ояtlарининг бошланиши ва тугаси белгиланган мустакил мажмусидир». Бошқача килиб айтсан, Куръон ояtlарининг кўргон билан ўралгандек бир тўплами «сура» дейилади. Куръони Каримдаги энг киска сура Кавсар сураси бўлиб, уч ояддан, энг узун сура эса Бакара сураси бўлиб, 286 ояддан иборат. Куръонда 114 та сура бўлиб, улардан ҳар бирининг ўз номи бор. Баъзи сураларнинг номи суранинг аввалидаги сўздан олинган. Баъзилариники эса ўша сурада зикри кўпроқ келган нарсаларнинг номига кўйилган. Оят ва сураларнинг ҳам ўнга хос тартиби маъжууд ва улар тасирланган. Куръони Каримнинг сура ва ояtlарга бўлиниши уни ёлашни осонлаштиради. Шунингдек, ўкуачига ўз дини ва шариятининг маълум бир кисмими ўрганинг бўлганини хис килдиради.

Куръони Каримнинг "Фурқон" сурасининг 20-охирги оятида "(Эй Мухаммад). **Биз сиздан алғори юборсан барча пайғамбарлар ҳам, шак-шубҳасиз, таом ер ва бозорларда юрар эдилар. Биз сизларнинг беъзиларингиз учун фитна – синов қалиб қўйдик** (яъни сизнинг оддий одамлар каби факирона кун кечиришингиз бошқалар учун бир синовдир. Чунки агар Биз сизни бой-бадавлат қалиб қўйганимизда, улар сизга шу мол-дувёнгиз учун итоат қўлган бўлур эдилар). Сизлар (Бизнинг бу синовимизга) **сабр қила олурмисиллар? Парвардигорингиз кўриб турсувчи бўлсан зотидир**", деган тавсир учрайди. Ҳадиси шарифда: "Кимики шошилмай, сабр, қаноат билан иши қиласа, қизлар иши тўғри бўлди", дейилгай. Кўриниб турнибдик, сабр толерантликнинг ярудан ташкири коллернатив семаси бўлиб, семантик майдонда эркин семемалар занжирда мучалланган. [13;332-338]

**Дуо сўзлар ва конструктив ҳосилалар** киёсий тишишносликда алоҳида тадқиқ килинмаган. Кўплаб манбаларда, диний матнлар таркибida, ҳалк оғзаки икъоди ва эртакларда дуо сўзлар учрайди. Ўзбек милий руҳиятида дуо сўзлар мухим аҳамиятга – эга. Киёсий аспектida дуо сўзларни кўллашда тафовуллар – маъжууд. Бу ҳолат ҳалқларининг кайси динга мансублиги билан – бояглик. Жумладан, Омийн (вариантлари: Амийн, Амия, Омиш) сўз-гапининг ишлатилиши, француз ва ўзбек тилида – ўхшаш, аммо ундан кўл ҳаракатлари ифодаси бошқа дин вакъиларида турличадир. [14;29] Масалан, мусулмонлар Омийн! деб дуо қилиш учун иккни кўлини бир-бирига бирлаштирган ҳолда дуодан кейин кўл кафтларини юзга торгадилар. Француزلар християнлар тамоилига асосан ўнг кўл бармоқларини

бирлаштириб, ҳож шаклида ҳаракатлантирадилар. Ҳиндалар қўл кафтларини бирлаштириб, пешонага мингизади. Билинадики, ҳалкларда тана тили ифодалари, расм-руссумлар, миллий-маданий қадриятлар, дин ва эътиқодлар фарқли бўлиб, дуо шакл-мазмунни турличадир. Ўзбегимда:

1. **Калом сўзлар:** Астагифурлоҳ / Субҳааналлоҳ / Алҳамдулаҳ / Лаа илаҳа иллалоҳ / Аллоҳу Акбар / Субҳана/Лоҳи ВалҳамдулиЛаҳи ва Лаа илаҳа иллалоҳу Вал/Лоҳу Акбар / Астагифурлаҳаҳаз азъими ва атубу илаҳи / Лаа хавла валаа қуввати илла биллаҳ / Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи, субҳааналлоҳи азийм ва б.

2. **Теолингвистик дуолар:** Аллоҳга ҳамд бўлсин. Аллоҳга муборак бўлсин. Аллоҳим паноҳида асрасин. Аллоҳга шараф бўлсин. Аллоҳим бандасини кўлласин. Жаннатта насибу рўзи айласин. Жаннат насиб этсин. Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин. **Аллоҳ солиҳ фарзандлар ато қиссин.** Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо саллалоҳу вассалламнинг руҳлари шод бўлсин. Аллоҳ паноҳига олсин. Аллоҳ асрасин. Аллоҳ, умримизга умр, рисқимизга рисқ берсин, насибу рўзи айласин **ва ҳ-зо.**

Билиш психологияси нуктани назаридан, янги илмий билимларни яратиш жараёнида "объективлик" аллакачон етариҷа акс эттирилган шаклланиши сифатида тадқиқот мавзусини белгилашдан олдин бўлади. Бундай объективлик ижодий онгда дастлаб вокеликнинг ўзига хос ноаник интуитив тасвири сифатида намоён бўлади. Бу кундалик идрокдан тортиб энг нозик бадиий ва мистик шаклларгача бўлган ҳар кандай билим соҳаси учун хосидир.

### АДАБИЁТЛАР:

1. Буркхардт Т. Сакральное искусство Востока и Запада: принципы и методы. / Пер. с англ. Н.П. Локман. –М., 1999.
2. Гадомский А.К. Стилистический подход к изучению религиозного языка [Текст] / А.К. Гадомский // Стил. –№7. –Белград, 2008. –С. 21–36.
3. J.-P. van Noppen, D. Crystal, The Cambridge Encyklopedia of Language, 1981, 1987, 1995.
4. J.-P. van Noppen, D. Crystal, Dictionary of Linguistics and Phonetics, 2003.
5. Мечковская Нина Борисовна. Язык и религия: лекции по философии и истории религий. Пособие для студентов гуманитарных вузов. –М.: Агентство "ФАНР", 1998. – 352 с.
6. Ирина Владимировна Бугаева. Теолингвистика: теология + лингвистика? Россия, Российский государственный аграрный университет – МСХА им. К. А. Тимирязева, Москва file:///C:/Users/lenovo/Downloads/roz-27.pdf
7. Малинович Ю. М. Парадигма бытия человека в рамках «Начало» –«Конец» в немецкоязычном сознании: Лебен унд Tod [Текст] / Ю. М. Малинович, И. И. Мишуткина // Антропологическая лингвистика: Вестник ИГЛУ. Сер. Антропологическая лингвистика / отв. ред. Ю. М. Малинович. - Иркутск : ИГЛУ, 2004. - № 7. - С. 59-66.
8. Narzullaeva, D. B. (2023, January). History of the translation of the quran into french. in international conferences (Vol. 1, No. 2, pp. 116-118). <http://erus.uz/index.php/cf/article/view/1495>
9. Назаров В.Н. - Введение в теологию: Учебное пособие. М.: Гардарики, 2004.- 320 с. Формат: djvu, pdf ISBN 5-8297-0193-6
10. Доброхотов, А. Л. Философия и христианство [Текст] / А. Л. Доброхотов // Христианство и философия: VIII Рождественские образовательные чтения : Сборник докладов конференции (27 января 2000 года). - М. : Отдел религиозного образования и катехизации Русской Православной Церкви, 2000. - с. 5- 19.
11. Кумушхонавий, Аҳмад Зиёуддин. Мажмуатул-Аҳзоб. Камта дуо ва зикр китоби. Самарқанд-Пойариқ "Имом Бухорий ҳалқаро маркази" нашр. 2020, ISBN: 973-9943-6163-0-1.
12. DiIufa, N. (2022). Developing the communication competence of french-speaking students through dialogues in the development of oral speech. Involta Scientific Journal, 1(10), 53-57. <https://involta.uz/index.php/iv/article/view/332Языкова>
13. Нарзуллаева, Д. Б. (2022). Теолингвистическая лексема религиозного стиля. Educational Research in Universal Sciences, 1(7), 332-338. <http://erus.uz/index.php/er/article/view/893/1194>
14. Narzullayeva, D. (2023). Использование речевых жанров. центр научных публикаций (buxdu.uz), 29(29).